



**ЎЗБЕКИСТОНДА ПАРДОЗБОП ЗИЧЛАНГАН ПЛИТАЛАР ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШ УЧУН ЯРОҚЛИ ХОМАШЁЛАРНИ ТАНЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
ЗАҲИРАЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

**Абдуллаев Х.Д**

*Абу Райҳон Беруний номидаги Урганч давлат университети  
“Қурилиш” кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада Ўзбекистонда пардозбоп зичланган плиталар (керамик плитка ва керамогранит) ишлаб чиқариш учун яроқли маҳаллий хомашёларни танлаш ва уларнинг заҳираларини ўрганиш масалалари кўриб чиқилган. Зичланган плиталар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хомашё материаллари асосий гуруҳларга таснифланган ҳамда тошқол, кул, глиеж, гилам чиқиндилари каби саноат ва қишлоқ хўжалиги иккиламчи ресурслари асосида органик тўлдирувчи ва минерал боғловчи таркибли зичланган материаллар яратиш имкониятлари тадқиқ этилган. Олинган натижалар маҳаллий иккиламчи ресурслардан фойдаланиш таннархни 30–40% гача арзонлаштириш, импорт ўрнини босувчи юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва атроф-муҳитни чиқиндилардан муҳофаза қилиш имконини беришини кўрсатди.*

**Калит сўзлар:** *Ўзбекистон-2030 стратегияси, маҳаллий хомашёлар, қурилиш материаллари, зичланган плиталар, энергия самарадорлик, саноат чиқиндилари, кул, шлак, глиеж, гилам чиқиндилари, атроф муҳит муҳофазаси*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 26 февралдаги “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлар доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги ПФ-21 сонли Фармони 1-илоvasи билан тасдиқланган “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган маҳаллий хом ашё базасидан самарали фойдаланиш ва илғор технологияга асосланган саноатни ривожлантириб, 2030 йилгача қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш ва янги турдаги энергия тежамкор материаллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш белгиланганлиги соҳа мутахассислари олдига муҳим вазифаларни қўяди [1].

Ўзбекистон бугун пардозбоп плиталар билан ички эҳтиёжларни тўлиқ қоплаш билан бир вақтда хорижий давлатларга ишлаб чиқиладиган пардозбоп плиталарни 20% ни экспорт қилмоқда.

Пардозбоп плиталарни ишлаб чиқариш ҳажмини яқин 4 йилда 2 баравар ошириш мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга премиум керамогранит, юқори сифатли Италия ва Испания плиталари, махсус дизайнли маҳсулотлар импорт қилиниб келтириладиганлиги мамлакатнинг





## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



қурилиш материаллари саноатида маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, экспортни кўпайтириш ва юқори технологияли пардозбоп плиталарни яратишни тақоза этади.

Зичланган пардозбоп плиталарни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хомашё материалларини 4 та асосий гуруҳга бирлаштириш мумкин: пластик хомашёлар, ёғсизлантирувчи кўшимчалар, флюслар (эритувчи кўшимчалар) ва махсус кўшимчалар

Ўзбекистонда пардозбоп зичланган кафел плиталар (керамик плитка ва керамогранит) ишлаб чиқариш учун хомашё танлашда асосий эътибор маҳаллий минерал ресурсларнинг кимёвий таркиби ва уларнинг технологик хусусиятларига қаратилди. Маҳаллий хомашё базасидан фойдаланиш таннархни 30-40% гача арзонлаштириш имконини бериши аниқланди.

Пардозбоп зичланган кафел плиталар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган асосий компонентларни қуйидагилар асосида тадқиқ этилди:

- Тошқол;
- Кул;
- Глиеж;
- Портландцемент;
- Қум;
- Суюқ шиша;
- Базальт;
- Гилам чиқиндилари ва ҳ.к.

Саноат мажмуаларида хом ашёларни комплекс ишлатмаслик, чиқиндилар ҳосил бўлишига олиб келади. Бундай чиқиндиларни қурилиш индустрияси учун зарур бўлган материаллар ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқдир.

Хозирги кунда олимларимизнинг чиқиндиларни халқ хўжалигида ишлатиш борасидаги самарали илмий ишланмалар етарли даражада эмас.

Мазкур ишда саноат ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини комплекс равишда ишлатиб самарали органик тўлдирувчи ва минерал боғловчи асосидаги зичланган плита яратиш муаммоси ўрганилди.

Изланишларимиз натижаларидан маълум бўлдики, органик тўлдирувчи ва минерал боғловчи асосида зичланган плиталар ишлаб чиқариш учун республикаimizдаги кимё саноати, энергетика комплекси, металлургия саноати, агросаноат ва қурилиш комплексларида ҳосил бўладиган иккиламчи ресурсларини ишлатиш мумкин экан.

Ўзбекистонда пардозбоп зичланган плиталар ишлаб чиқариш учун хомашё материаллари ва саноат чиқиндилари захираларининг асосий компонентлар тошқол, кул, глиеж ва гилам чиқиндилари ҳажми бугунги кунда етарли миқдорда эканлигини тасдиқлайди.

Келтирилган маълумотлар иккиламчи ресурслардан самарали қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ёки айрим хомашё турларининг танқислигини қоплаш имкониятини излаш зарурлигини кўрсатиб турибди. Қурилиш индустриясида иккиламчи ресурсларнинг қўлланилиши қурилиш материаллари саноатининг хомашё





## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'OYALAR



базасининг кенгайтиришига, шунингдек, экологик (атроф муҳитни чиқиндилар билан ифлосланишдан муҳофаза қилиш) муаммо ларни ечишга имкон беради.

Демак, юқорида келтирилган маълумотлар органик тўлдирувчи ва минерал боғловчи асосидаги зичланган материалларни маҳаллий иккиламчи ресурслардан олиш имкониятларини топишни тақоза қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 26 февралдаги “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлар доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги ПФ-21 сонли Фармони.

2. Проектирование производства изделий строительной керамики: учебное пособие . В. А. Гурьева. – Оренбург : ОГУ, 2013. - 179 с.

3. Плитки керамические. Общие технические условия. ( ISO 13006:2018 NEQ).

4. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти, Меъморчилик ва қурилиш муаммолари (илмий техник журнали) 2017 йил №1).